



РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМИДАН ФЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

Шакирова Гўзал Абраловна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази" кичик илмий ходими.

guzalshakirova86@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0005-7423-9780>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i16

Аннотация

Жаҳонда 2020 йилда бошланган Ковид-19 пандемияси, ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирини кўрсатди ва бунинг натижасида бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам тиббий тизимдаги камчилик ва муаммолар бисёрлиги маълум бўлди. Пандемия таъсирида мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларида пасайиш юз бериб, иқтисодиётнинг зарурий тармоқларида ихтисослашув замон талабларига мос ҳолда ўзгарди, шунингдек, аҳоли ҳаёт тарзида ҳам бу акс этди. Мазкур мақолада республика соғлиқни сақлаш тизими ривожланишини такомиллаштиришда давлат-хусусий шериклик алоқаларидан фойдаланиш бўйича таҳлил ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар. Ковид-19 пандемияси, соғлиқни сақлаш тизими, шифохона муассасалари ва амбулатория поликлиникалари, давлат-хусусий шериклиги.

ПРИНЦИПЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Шакирова Гузал Абраловна

Ташкентский государственный экономический университет, Младший научный сотрудник Центра институциональных и экономических исследований.

Аннотация. Пандемия Ковид-19, начавшаяся в 2020 году, оказала негативное влияние на социально-экономическое развитие каждой страны, в результате чего стало ясно, что недостатки и проблемы в медицинской системе очевидны в Узбекистане, а также в другие страны. Под влиянием пандемии темпы экономического роста страны снизились, специализация в необходимых отраслях экономики изменилась в соответствии с требованиями времени, и это отразилось и на образе жизни населения. В данной статье представлены анализ и предложения по использованию государственно-частного партнерства в совершенствовании развития системы здравоохранения республики.

Ключевые слова. Пандемия Covid-19, система здравоохранения, больничные учреждения и поликлиники, государственно-частное партнерство.

PRINCIPLES OF USING THE PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP MECHANISM TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF THE HEALTHCARE SYSTEM IN UZBEKISTAN

Shakirova Guzal Abralovna

Tashkent State Economic University, Junior Research Fellow at the Center for Institutional and Economic Research.

Abstract

The Covid-19 pandemic, which began in 2020, has had a negative impact on the socio-economic development of every country, making it clear that shortcomings and problems in the medical system are evident in Uzbekistan, as well as in other countries. Under the influence of the pandemic, the rate of economic growth of the country has decreased, specialization in the necessary sectors of the economy has changed in accordance with the requirements of the time, and this has affected the lifestyle of the population. This article presents an analysis and proposals for the use of public-private partnerships in improving the development of the republic's healthcare system.

Keywords. Covid-19 pandemic, healthcare system, hospitals and clinics, public-private partnership.

Кириш

Дунёда коронавирус пандемияси эълон қилинганига 3 йилдан ошди. Бу даврда касаллик қарийб 6,8 миллион кишини ҳаётдан олиб кетди. Шунингдек, коронавирус билан касалланиб соғайганларда ҳам асоратлар кузатилиб, сурункали касалликлар пайдо бўлмоқда. Бу бошқа сабаблар республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш, аҳолига тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, малакали тиббий кадрлар тайёрлашни назорат қилиш, мавжуд тиббий муассасалар биноларининг коммунал ҳолатини яхшилаш ва зарурий тиббий диагностик жиҳозлар билан таъминлаш, ҳар бир тиббий муассаса қошида замонавий лабораторияларни ташкил этиш, ногиронлик интернатлари ва қариялар уйлари тузилмасини тубдан янгилаш, сурункали хасталиклари бор беморларга ихтисослашган санатор-курортларни ташкил этиш ва сифат жиҳатдан аъло ҳамда нарх жиҳатдан ўртача бўлган тиббий хизмат турларини ташкил этиш ва бошқа кўплаб амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар мавжуд бўлиб, босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот ёинки чора-тадбирлар ва дастурлар мажмуи аҳоли фаровонлиги, тинчлиги, эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилишига қаратилган экан, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бош вазифалар қаторидан ўрин эгаллайди. Бу борада бир қанча ҳукумат томонидан тадбиқ этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам юқоридаги фикрларнинг яққол исботидир.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ўзларининг Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясига бағишланган асар [1] ва маърузаларида аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини сақлаш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали қашшоқликни бартараф этиш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқдалар. 2022 йил 28 январь куни қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон стратегияси тўғрисида”ги Фармони [2] да ҳам келгуси беш йилда республикамизда амалга ошириладиган жадал ислоҳотлар қаторида Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналишида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида устувор вазифалар белгиланди.

Юқорида келтирилган фикрлар Ўзбекистонда тиббий хизмат сифати тезкорлигини ва рақобатбардошлигини оширишда давлат-хусусий шериклик алоқаларидан фойдаланиш энг мақбул ечим эканлигини кўрсатди.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқларида давлат-хусусий

шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш бўйича салмоқли тажрибалар тўпланган. ДХШнинг кўплаб лойиҳалари ишлаб чиқариш инфратузилмасида, инновацион ва ҳарбий соҳада қўлланилиб келинмоқда. Босқичма-босқич давлат-хусусий шериклиги ижтимоий соҳага, хусусан, давлат ва алоҳида ҳудудларда соғлиқни сақлаш тизими хизматлари соҳасига кириб бормоқда. Ҳамиша ҳам барча шериклик битимлари муваффақиятли амалга ошмайди, бироқ дунёда ДХШ асосида тузилган битимлар сони мунтазам ортиб бормоқда. Шуларни ҳисобга олганда, ДХШнинг концептуал асосларини такомиллаштириш Ўзбекистонда ДХШ тизимини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга унинг иқтисодий самарали механизмларини амалиётга жорий этиш зарур ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш муаммолари, лойиҳаларни амалга ошириш шакллари, моделлари ва механизмлари хорижий ва Ўзбекистон олимлари илмий ишларида тадқиқ этилган. Хорижий олимлардан Хулукшинов Д.Е. [3], Дабагян Е.Г. [4], Золотарева А.Б., Киреева А.В. [5], Мартынова Е.Ю. [6] лар ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик алоқаларининг мавжуд моделлари, соғлиқни сақлашда хусусий секторнинг роли ва хорижий тажрибаларини ҳамда ДХШнинг аҳоли фаровонлигини оширишдаги ролини тадқиқ этганлар.

Республикамиз олимларидан Беркинов Б.Б. [7], Джуманиязов У.И. [8], Султанова А.Ў. [9], Жаҳонгиров И.Ж. [10], Хайитов С. [11] ва бошқалар давлат-хусусий шерикликни мазмун-моҳияти, барқарор иқтисодий ривожланишдаги роли, функциялари, ижтимоий соҳага қўллаш механизмлари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими бошқаруви ва уни молиялаштиришнинг масалалари юзасидан тадқиқотлар ўтказганлар.

Профессор Беркинов Б.Б. давлат-хусусий шериклик алоқаларининг мазмун-моҳияти, шакллари, концепцияси ва Ўзбекистон шароитида ривожлантириш механизмлари бўйича жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борган. Давлат-хусусий шериклик алоқаларини даставвал макродаражада, сўнгра маҳалла ва оила миқёсида амалга ошириш концепцияси ҳамда фаолият самарадорлигини илмий таҳлиллар натижасида асослаган. Олим фикрича, “давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ривожланиши давлат билан бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигининг кўламлари ва шакллари таъсир кўрсатувчи бир неча асосий омилларга боғлиқ бўлиб, бу омилларни ҳисобга олган ҳолда давлат-хусусий шерикликнинг ривожланишини, кўламларининг ўсишини ва шаклларининг диверсификация қилинишини прогноз қилиш мумкин. Бироқ, ҳар бир алоҳида мамлакатда ушбу жараён динамикаси давлатнинг сиёсати, унинг иқтисодий ва ижтимоий уйғунликни излашда бизнес билан ҳамкорлик қилишга интилишига, фуқаролик жамиятининг тутган йўлига боғлиқ” [7].

Шунингдек, Хайитов С.Б. ўз тадқиқотларида давлат-хусусий шериклигини республика барқарор иқтисодий ўсишининг асосий омили сифатида кўрсатади. Олим талқинича, “Давлат-хусусий шериклиги кооператив келишувнинг бир кўриниши бўлиб, икки ёки ундан ортиқ давлат ва хусусий сектор вакилларининг инвестиция, инфратузилма, инновация лойиҳалари ҳамда ижтимоий-иқтисодий, илмий, шунингдек, давлат аҳамиятига молик дастурлардаги шериклик муносабатлари тушунилади”.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда иқтисодий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда қўлатув усулларида фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари, хорижий ва Ўзбекистон олимларининг илмий тадқиқот манбаларидан фойдаланиб изланишлар ўтказилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасида 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра доимий аҳоли сони 36024,9 мингга ташкил этди. Шундан қарийб 51 фоизи шаҳарда, қолган қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Республика жами аҳолисининг 57,2% яъни 20402,4 мингга меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолидир. Бу ижтимоий кўрсаткичлар ҳоқ шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси бўлсин 36 миллиондан ортиқ малакали тиббий хизматга эҳтиёжманд аҳоли борлигини ва уларнинг барчаларига бирдек сифатли хизмат кўрсатиш зарурлигини кўрсатади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Шифохона муассасалари сони	1106	1135	1165	1205	1232	1281	1328
Шифохона ўринлари сони, минг	132,0	135,7	153,6	153,4	161,0	165,5	166,9
10 000 аҳолига	41,1	41,6	46,6	45,2	46,6	46,6	46,3
Стационарларда даволанган беморларнинг жами сони, минг	5581,5	5984,8	6235,6	6154,0	5532,1	5926,1	6952,5
Битта шифохона ўрнига тўғри келадиган аҳоли сони	243	241	215	221	213	213	216
Амбулатория-поликлиника муассасалари сони	6542	5296	5627	5955	6032	6676	7010
Амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати, бир сменада қатновлар сони, минг	411,9	405,3	440,8	468,6	682,6	461,3	508,0
10 000 аҳолига	128,2	124,1	133,7	149,5	197,5	130,8	141,0
Акушерлик-гинекология хоналари сони:	2640	2157	2186	1900	1982	1699	2410
Болалар поликлиникалари (бўлимлари) сони:	1783	1102	1128	2058	1067	535	688
Барча мутахассисликдаги шифокорларнинг сони, минг	84,1	85,4	89,8	91,9	93,3	95,6	100,5
10 000 аҳолига	26,2	26,1	27,2	27,1	27,0	27,1	27,9
Битта шифокорга тўғри келадиган аҳоли сони:	382	383	367	369	370	369	358
Барча мутахассисликдаги аёл шифокорларнинг сони, минг	43,2	43,1	44,8	44,3	44,4	44,3	47,9
жами шифокорлар сонига нисбатан, фоизда	51,4	50,5	49,9	48,2	47,6	46,3	47,7
Ўрта тиббиёт ходимлари сони, минг	341,3	348,2	356,7	365,7	369,9	372,5	382,8
10 000 аҳолига	106,3	106,6	108,2	107,8	107,0	105,6	106,3
Битта ўрта тиббиёт ходимига тўғри келадиган аҳоли сони	94	94	92	92,7	93	95	94

Манба: stat.uz сайти маълумотларидан фойдаланиб муаллиф томонидан тузилган

2022 йил якунлари бўйича республикада 1328 та шифохоналар мавжуд бўлиб, ўтган 2021 йилга солиштирсак 47 тага кўпайган. Шифохонадаги ўринлар сони 166,8 мингга ташкил этади. Шунингдек, 2022 якунларига кўра республикадаги шифокорлар жами 100,5 мингга ташкил этди ва ўтган йилгига нисбатан қарийб беш мингга кўпдир (1-жадвал). Шифокорлар терапия, педиатрия, неврология ва стоматология ихтисосликларида фаолият юритувчи шифокорлар ўтган йилга нисбатан сезиларли ортганлигини кўришимиз мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этар эканмиз албатта бунда молиявий қўллаб-қувватлаш, яъни соҳага инвестициялар киритиш асосий ўрин тутди. Бирор тизим ривожлантирилиши учун ҳамиша ҳуқуқий асос ва молиявий кўмак зарур.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасига йўналтирилган жами инвестициялар 2018 йилда 2 684 326,0 млн. сўмга ташкил этган бўлса, 2022 йилда 7 769 282,8 млн. сўм кўрсаткичига эга бўлган, яъни йиллар кесимида 2,9 мартага кўпайганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат миқёсидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларда аҳоли фаровонлиги омили сифатида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга алоҳида урғу берилиб, ислоҳотлар йўналиши ҳам айнан давлат-хусусий шериклиги орқали белгиланаётгани ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги 537-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли асари, ЎзР Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 апрель 2019 йилдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4290-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 апрель 2020 йилдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сонли қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда давлат-хусусий шериклиги соҳасига ҳараркатлантирувчи куч сифатида баҳо берилаётганлигининг яққол исботидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улўғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури ижроси юзасидан маълумотда устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалар сифатида, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 млрд. АҚШ доллари инвестицияларни жалб этиш белгиланган. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида ДХШ қонунчилиги асосида жами миқдори 275 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ДХШ лойиҳаси санаб ўтишимиз лозим.

Давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) тушунчаси ва мазмуни давлат билан хусусий сектор вакилининг ўзаро ҳамкорлиги кўламлари ва шакллари таъсир кўрсатувчи бир неча асосий омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, давлат-хусусий шериклиги давлат билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш имконини берувчи аралаш (давлат ва хусусий мулк) иқтисодий механизмларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ДХШ давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари мулкида бўлган тармоқлар ва соҳаларда такрор ишлаб чиқариш жараёнларига хусусий сектор ресурсларини жалб қилиш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун тадбиркорлик ташаббусидан фойдаланиш имконини беради.

Учинчидан, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари саъй-ҳаракатлари ва ресурсларининг муайян лойиҳалар доирасида бирлаштирилиши уларнинг қўшимча рақобат устунликларини шакллантиради. Хусусий тадбиркор давлат институтларига қараганда қарорлар қабул қилишнинг тезкорлиги, янгиликлар киритишга қодирлиги, рақобатбардошликни таъминлаш учун техник ва технологик яхшилашларни излашга интилиши билан ажралиб туради. Ҳукумат эса, ўз навбатида, барқарор ҳуқуқий базани яратиш, фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ташкилий тадбирларни ўтказиш, шунингдек молиявий-иқтисодий воситалар: субсидиялар, кафолатлар, рағбатлантирувчи солиқ солиш ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини қўллаш йўли билан ДХШ лойиҳаларининг янада муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаши мумкин.

Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда давлат билан хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш мумкин. Айниқса, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ижтимоий соҳада қўллаш, ва бу фаолият самарадорлигини ошириш давлатнинг сиёсатиغا, унинг иқтисодий ва ижтимоий уйғунликни излашда тадбиркорлик субъекти билан ҳамкорлик қилишга интилишига боғлиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Соғлиқни сақлаш соҳасида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш истиқболларини ўрганиш бизга қуйидаги хулоса ва тавсиялар чиқариш имконини берди.

1. Давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланган ҳолда соғлиқни сақлашда хусусий тадбиркор ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганиш фундаментал характерга эга бўлиб, унинг хусусиятларини янада таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, лойиҳаларни амалга оширишни такомиллаштириш бўйича тавсияларни асослаш имконини беради.

2. Соғлиқни сақлашда ДХШ лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишнинг асосий нуқтаси давлат ва тадбиркорнинг ўзаро ҳамкорлиги соҳаларини белгилашдан иборат. Уларни соғлиқни сақлаш масалаларида умумий манфаатлар бирлаштирганлигини ҳисобга олиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ДХШнинг бутун жараёнини йўналишлар бўйича белгилаш тавсия этилади. Бу соҳалар қаторида: амалий соғлиқни сақлаш, тиббий инновацияларни ривожлантириш, тиббий таълим, тиббий саноатини диверсификация қилиш, фармацевтика ишлаб чиқариш ва дори воситалари билан таъминлаш, тиббий журналистика, ижтимоий тадбиркорлик, шунингдек, аҳолини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва тадбиркорлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш каби йўналишлар қўшилган.

3. Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик алоқаси ўрнатилганда давлат энг юқори ижтимоий ва бюджет самарасига эришишга интилади, хусусий инвесторнинг асосий мақсади эса энг юқори даражадаги фойдани олишдан иборат. Шу билан бирга юқори хавф даражаси ҳам тадбиркор тарафида бўлади. Бундай вазиятда ўзаро мувонатлашган мақбул ечимга эга шартномалар яратилиши керак.

5. Иқтисодиётнинг ижтимоий тармоқларида ДХШ асосида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга хусусий тадбиркорлар инвестицияларини жалб қилиш учун ДХШ лойиҳаларининг очиқлиги ва уларни амалга оширишнинг шаффофлигини ошириш, улар бўйича трансакция харажатларини камайтириш, мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида ДХШ соҳасида мутахассисларни тайёрлаш зарур.

6. Хусусий инвесторларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ДХШ лойиҳаларига бўлган қизиқишини ошириш учун давлат хусусий сектор учун фойдали имтиёзлар яратиши, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (бевосита, билвосита, тегишли тўловлар) чораларини қўллаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021 йил. 464 бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

3. Хулукшинов Д.Е. Совершенствование финансового механизма в системе здравоохранения России. Специальность 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2018.

4. Дабагян Е.К. Роль частного сектора в реформировании системы здравоохранения: мировой опыт и российская практика Специальность 08.00.14 – Мировая экономика. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2019.

5. Золотарева, А.Б., Киреева, А.В. (2015). Существующие модели государственно-частного партнерства в социальной сфере. Российское предпринимательство, 16(23), 4271–4280. doi: 10.18334/rp.16.23.2157

6. Мартынова Е.Ю. Государственно-частное партнерство как механизм предоставления услуг жизнеобеспечения населения. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами - сфера услуг) Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2021.

7. Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография. Т.: “Fan va texnologiya”, 2019 й., 189 бет.

8. Джуманиёзов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. ТДИУ.08.00.13-“Менежмент” ихтисослиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси диссертацияси. ТДИУ. – Т.: 2018. -148 бет.

9. Султанова А.Ў. Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари орқали тартибга солишнинг халқаро амалиёти. / ТДИУ. 08.00.13-“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича диссертация. – Т.: 2001. – 165 б.

10. Жаҳонгиров И.Ж. Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизимини самарали бошқариш методологиясини такомиллаштириш. 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”. 08.00.13 – “Менежмент”. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси. / Фарғона политехника институти. Илмий маслаҳатчи Н.М.Махмудов. – Т.: 2022. -239 б.

11. Хайитов С.Б. Ўзбекистон республикасида Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат-хусусий шериклик механизминини такомиллаштириш. ТДИУ. 08.00.02 – Макроиқтисодиёт ихтисослиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси диссертация автореферати. – Т.: 2023. -28 бет.

12. <http://www.stat.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти